Диссертациянинг “Минтақавий транспорт тизимини бошқаришнинг назарий-методологик асослари” деб номланган биринчи бобида минтақавий транспорт тизимининг умумий тавсифи, минтақавий транспорт тизимини самарали бошқаришга оид замонавий ёндашувлар ҳамда муаммоларни ўрганиш методологияси тадқиқ этилган. Бугунги кунда транзит ва халқаро ташувларни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш юзасидан халқаро амалиётда ҳамда илмий доираларда турлича талқинларнинг мавжудлиги, мазкур соҳага оид асосий тушунчаларни тўғри интерпретация қилиш лозимлигини белгилайди[4].

Тадқиқот ишининг “Марказий Осиё транспорт тизимининг ўзига хослиги ва уни мувофиқлаштириш муаммолари” деб номланган иккинчи бобда Марказий Осиё транспорт тизимига умумий тавсиф берилиб, унда минтақавий транспорт тизимининг

шаклланиш босқичлари, ўзаро боғлиқлик даражаси ҳамда соҳадаги муаммолар тадқиқ этилган.

Диссертациянинг “Марказий Осиё транспорт тизимини бошқаришнинг халқаро ҳамкорлик механизмлари” деб номланган учинчи бобида минтақавий транспорт тизимини ривожлантиришда кўп томонлама ва икки томонлама ҳамкорлик таҳлил қилинган. Жумладан, Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида транспорт соҳасидаги кўп томонлама алоқаларини, хусусан, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастури, ТРАСЕКА, “Буюк ипак йўлининг иқтисодий камари” ва шу каби бошқа ташкилотлар, дастурлар ҳамда лойиҳалар доирасидаги ҳамкорликлари тадқиқ этилган. Қолаверса, Ўзбекистоннинг транспорт соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлиги минтақа давлатлари кесимида ўрганилган. Шунингдек, кўп томонлама ва икки томонлама ҳамкорликнинг кучли ва заиф жиҳатлари таҳлил қилинган.

Тадқиқот ишининг “Минтақавий транспорт тизимини такомиллаштиришда муқобил коридорлар омили” номли тўртинчи бобида минтақада қурилаётган ва режалаштирилаётган транспорт коридорлари тадқиқ этилиб, мазкур коридорлардан минтақа давлатларининг манфаатдорлик даражаси, бу борада юритаётган сиёсати ўрганилган.

Ўзбекистон минтақавий муқобил транспорт йўлакларини Марказий Осиё мамлакатлари транспорт сиёсатининг асосий йўналиши сифатида таснифлайди. Ушбу коридорлар нуфузли давлатлар, халқаро ташкилотлар, турли дастурлар ва алоҳида давлатлар томонидан қўллаб-қувватланади ва тарғиб қилинади. Ўзбекистон бу йўлакларни ўз манфаатлари ва устуворликларидан келиб чиқиб баҳолайди ва таснифлайди.

Уларни шартли равишда қуйидаги 3 гуруҳга ажратиб ўрганилган:

1. Ўзбекистон манфаатларига тўлиқ зид ҳисобланган коридорлар: «Қозоғистон-Туркменистон-Эрон» темир йўли; “Туркменистон-Афғонистон-Тожикистон” (ТАТ) темир йўли; “Хитой-Қирғизистон-Тожикистон” темир йўли; “Россия-Қозоғистон-Қирғизистон-Тожикистон” темир йўли.

2. Қисман фойдаланиш имкони мавжуд бўлган коридор: “Ғарбий Европа-Ғарбий Хитой” автомагистрали.

3. Ўзбекистон манфаатларига мос муқобил коридорлар: “Ўзбекистон-Қирғизистон-Хитой” темир йўли; “Ўзбекистон-Туркменистон- Эрон-Уммон» коридори; “Тошкент-Андижон-Ўш-Иркештом-Қашғар” автомобиль йўли; “Ўзбекистон-Афғонистон-Эрон/Покистон” (Трансафғон) темир йўли.

Юқорида келтирилган таснифлар асосида коридорларнинг истиқболи юзасидан Ўзбекистон манфаатлари кесимида сценарийлар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг “Марказий Осиё транспорт тизимини бошқариш механизмининг самарадорлигини ошириш йўллари” номли бешинчи бобида Марказий Осиё транспорт тизимини самарали бошқариш истиқболлари тадқиқ этилган. Хусусан, унда хорижий тажриба сифатида Европа Иттифоқи транспорт тизими ўрганилган. Миллий ва минтақавий даражада транспорт тизимини бошқаришнинг моделлари



ишлаб чиқилган. Шунингдек, Ўзбекистон транспорт соҳасидаги манфаатлари тизимга солинган ва уларга бўлган замонавий таҳдидлар аниқланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг транспорт соҳасидаги манфаатлари қўйидаги йўналишларда намоён бўлади:

шахс, жамият ва давлатнинг замонавий транспорт хизматларига бўлган эҳтиёжларини самарали қондириш;

транспорт комплексини модернизация қилиш орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг юқори иқтисодий самарадорлигига ҳамда транспорт жараёнлари хавфсизлигига эришиш;

шарқий давлатларни ғарбий ва жанубий давлатлар билан боғловчи янги транспорт коридорларини яратиш ва мавжудларини модернизация қилиш;

транспорт комплексининг транзит салоҳиятини оширишда муҳим омил ҳисобланган мамлакат транспорт хавфсизлигини халқаро стандарт даражасига олиб чиқиш;

транзит тизимининг иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида транспорт магистралларининг юк ўтказиш қобилиятини кенгайтириш;

Марказий Осиё транспорт тизими интеграциялашувида ва ривожланишида манфаатли иштирок этиш, мазкур тизимда Ўзбекистон имкониятларини ошириш ва ундан самарали фойдаланиш;

экспорт-импорт операцияларида транспорт харажатларини минималлаштириш орқали халқаро савдони ривожлантириш;

транспортда юзага келаётган жиноятларни, жумладан терроризмни олдини олиш ва бартараф этиш[4].

И.ф.д. А. Зоҳидовнинг **“Особенности координации Централно-Азиатской транспортной системы: инициативы и решения”** номли мақоласида [5] Марказий Осиёнинг Хитой ва Ҳиндистон билан ташқи савдо айланмасини ошириш бўйича келишувлари ва ўзаро боғловчи халқаро транспорт коридорларини шакллантириш лойиҳалари, Марказий Осиё давлатларининг олиб бораётган транспорт сиёсати, унинг муаммолари ёритиб берилган. Минтақанинг транспорт тизими ҳақида мақоласида таъкидланишича, Марказий Осиё транспорт тизимининг аниқ мақсади ёки ушбу тизимдан кутилган натижалар расман ўрнатилмаган,

минтақавий транспорт тизими мувофиқлаштирилмаган ва ўз навбатида, талабларга жавоб бермайди;

Бугунги кунда минтақа мамлакатлари учун ягона транспорт стратегиясини (сиёсатини) ишлаб чиқиш минтақавий транспорт тизимини ривожлантиришнинг долзарб масалалари ичида энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ушбу стратегия доирасида ишлаб чиқилган умумминтақавий дастурлар ўз ичига минтақадаги барча давлатларнинг манфаатларини тенг ҳимоя қилишни таъминловчи фойдали таклифларни ўз ичига олиши керак. Ушбу мақола минтақада ягона транспорт сиёсатини юритиш орқали транспорт тизимида шаклланган муаммоларни ечишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

И.ф.д. В.Г. Егоровнинг **“О влиянии транспортных проектов на геополитическое положение страны»** номли илмий мақоласида [6] қўйидаги фикрлар келтирилган. Халқаро транспорт коридорлари лойиҳаларини амалга ошириш нафақат

капитал, балки сиёсий таъсирларни ҳам талаб қилади. Халқаро транспорт коридорларининг фаолиятининг самараси ягона божхона ва иқтисодий ҳудудда эришилади. Бундан ташқари, ХТКларини яратиш ташаббускори бўлган мамлакат маълум бир геосиёсий кучга эга бўлиши керак.

Йирик транспорт лойиҳаларини амалга ошириш самараси ва самарадорлигини баҳолаш экан, уларнинг мамлакатнинг геосиёсий мавқеига таъсирини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Давлатнинг геосиёсий позициясини қуйидаги параметрлар билан аниқлаш мумкин:

- давлатнинг асосий “куч” марказларига нисбатан жойлашиши боғлиқ ҳолда ва уни қуйидагича бўлиш мумкин: марказий (куч маркази), периферик, буфер (кучлар марказлари орасидаги ўрта ҳолат), ҳудуднинг шакли (доира — идеал), ҳудуднинг катталиги — давлат иқтисодий жараёнларни мустақил бошқариш ва ҳудудий хавфсизликни сақлаш учун шундай ресурсларга эга бўлиши керак. Ҳар доим ривожланишнинг интенсив йўлини танлаган давлатлар ўз иқтисодий сиёсатида транспортни илғор ривожлантиришга устувор аҳамият бериб келган. Транспорт лойиҳаларининг мамлакатнинг геосиёсий позициясига таъсирини мисол сифатида Селихино-Ниш темир йўл линиясини қуриш бўйича комплекс лойиҳани кўрсатиш мумкин. Қитъа марказида жойлашган давлатлар учун транспорт коридорларини қуриш ва улардан фойдаланиш орқали сув йўллари ва жаҳон бозорига чиқиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган.

с.ф.д. Гамзе Гунгармус Конанинг **“Social, political and economic problems Central Asian Republics face and the rule of Central Asian Region”** номли мақоласида [7] қуйидаги фикрларни келтирган. Марказий Осиё қизиқишининг асосий икки сабаби бор, булардан биринчиси ҳудуднинг этник, маданий, дин ва тил жиҳатдан тарихан яхлитлиги, иккинчиси хавфсизлик масалалари ва Туркиянинг халқаро алоқалари билан боғлиқ. Марказий Осиё минтақаси Геосиёсий ва Геоиқтисодий жиҳатдан ўзининг жойлашуви ва табиий бойликлари билан узоқ тарихга эга бўлган стратегик муҳим ҳудуд ҳисобланади. Геосиёсий нуқтаи назардан бу минтақа дунёдаги энг катта қитъа қуруқликларнинг асосий қисми бўлиб, одатда қитъа юраги деб аталади, Тоғли ва денгизли ҳудудлардан ўтиш имконини беради ва Буюк ипак йўли ишга тушган пайтлар фақат шу омил минтақа халқлари учун қуруқликда эркин ва тўсиқсиз алоқани таъминлаб, уларнинг геосиёсий жиҳатдан устунликка кўтарган. Марказий Осиё геоиқтисодий ва геосиёсий жиҳатдан Россия Федерацияси учун жуда муҳим ҳисобланиши қайд этилган.

“Global Strategic Studies Institute” илмий тадқиқотчиси Даисукэ Китаденинг **“Central Asia undergoing a remarkable transformation: belt and road initiative and intra regional cooperation”** номли илмий тадқиқот ишида [8] Марказий Осиёда Хитой “Бир макон бир йўл” ташаббуси (belt and road initiative (BRI) доирасида инфратузилмага фаол сармоя киритди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ва “яхши қўшничилик” сиёсати минтақалараро мулоқот бирлашишни кучайтириб, бутун Марказий Осиёга ижобий таъсир қилмоқда. Бошқа томондан, BRIнинг қарздорликнинг ошиши каби баъзи салбий таъсирлари юзага келмоқда.

Бир макон бир йўл ташаббуси Хитой томонидан Осиёни Европа ва Африкага боғлаш учун қабул қилинган глобал ривожланиш стратегиясидир.

Хитойнинг Марказий Осиё ва Марказий Осиёни боғловчи темир йўл логистика йўналишларини ишга тушириш учун киритаётган инвестицияси транспорт инфратузилмасига ижобий таъсир кўрсатмоқда. BRI Марказий Осиё учун Хитойни Ғарбий Осиё ва Европа билан боғловчи имкониятлар беради ва ва шунингдек Хитойнинг молиявий ёрдами билан логистика харажатларини камайтириш, савдони кенгайтириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва қуриш учун хизмат қилади. Минтақада очиқ-қўшничилик алоқаларининг шаклланишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган очиқ ва дўстона сиёсатга алоҳида урғу берилган. Бир камар бир йўл ташаббусининг Марказий Осиё давлатларига салбий таъсири ҳақида муаллиф қуйидаги фикрларни келтирган:

Хитойга қарздорлик хавфининг ортиши ва бу жуда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Муаллиф бунинг оқибатларига мисол қилиб Хитойнинг “қарз дипломатияси” ни АҚШ президенти ёрдамчиси Майк Пенсинг Трамп маъмуриятининг Хитойга нисбатан Шри-Ланка портини мисол қилиб гапирган танқидий сўзларини мисол қилган, ва молиявий қарздорлик ортидан минтақа давлатлари ўз табиий ресурсларини ва географик ҳудудларини бошқаришда мустақиллигини йўқотиши мумкинлигини таъкидлаган;

Француз илмий тадқиқотчилари Имане Эссади, Бернард Гработ, Пер Фенйларнинг **“Location of logistics hubs at national and subnational level with consideration of the structure of the location choice”** номли мақоласида [9] логистик марказларнинг жойлашуви кўп мезонли таҳлилдан сўнг қабул қилиниши керак бўлган стратегик қарор эканлигини таъкидлаб бу борада таҳлиллар ва кўрсатмалар ишлаб чиққан. Бунда транспорт салоҳияти давлатнинг иқтисодий кучини оширувчи восита эканлиги таъкидланиб, логистика марказларини мамлакат ичида ёки минтақада жойлашувини геосиёсий омилларга ҳам боғлиқ эканлиги ҳақида урғу берилади. Унда логистик марказларининг жойлашуви улар орқали амалга оширилаётган транспорт ишларини бошқаришда доимий ва фаол муҳим роль ўйнаш кераклиги, минтақавий даражадаги логистика марказларини танлашда минтақа давлатлари геосиёсий қарашларига ва у ердаги турғун иқтисодий ва сиёсий алоқаларни эътиборга олиш кераклиги айтилган.

Н.О. Дунаеванинг **“Управление модернизацией транспортной инфраструктуры региона для реализации транзитного потенциала”** номли диссертация ишида [10] давлатлар транзит салоҳиятини кўтаришда транспорт инфратузилмаларининг ролини ва уларни уни ривожлантириш масалалари бўйича тадқиқот иши олиб борган. Тадқиқотчи диссертация ишида транзит салоҳиятини кўтариш учун транспорт инфратузилмаси, геоиқтисодий даражаси, географик жойлашуви ва геосиёсий жиҳатларини алоҳида таҳлил қилган. Шунингдек янги транспорт лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш бўйича тавсиялар ишлаб чиққан.

П.Э. Бирюковнинг **“Международные транспортные коридоры в условиях формирования нового мироустройства”** номли с.ф.н. диссертация ишида [11] халқаро транспорт коридорлари, уларнинг замонавий дунёда асосий табиати, ривожланиши, амалга ошириш муаммолари ва халқаро транспорт коридорларида давлатларнинг

миллий манфаатлари ҳақида изланишлар олиб борилган. Диссертация тадқиқотининг мақсади халқаро транспорт коридорларини ривожлантириш истиқболларини аниқлаш ва улар билан боғлиқ бўлган давлатлар миллий манфаатларини амалга ошириш самарадорлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишга қаратилган бўлиб, бунинг амалга оширишда халқаро транспорт коридори концепциясига замонавий ёндашувларни ўрганиш, янги дунё тартибининг энг муҳим хусусиятларини ва уларнинг халқаро транспорт коридорларига таъсирини аниқлаш, халқаро транспорт коридорларининг ҳозирги ҳолати, фаолиятидаги мавжуд муаммоларни ва улар атрофида юзага келадиган низоларни бартараф этиш йўллариини ўрганиш ва уларнинг ривожланишида устувор йўналишларни белгилаш орқали давлатлар манфаатларини самарали амалга ошириш йўллари ҳақида изланишлар олиб борилган. Тадқиқот ишидан олинган натижалар ва унда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар халқаро транспорт йўлакларининг геосиёсий жиҳатдан қанчалик муҳимлигини очиқ берган.

Тожикистонлик илмий изланувчилар П.Х. Азимов, Д.И. Наджмиддиновларнинг **“Развитие региональной транспортно-логистической системы стран центральной Азии в условиях глобализации мировой экономики”** номли мақоласида [12] Марказий Осиёда транспорт соҳасидаги мавжуд муаммолар, уларнинг келиб чиқиши ва янги шаклланиши мумкин бўлган муаммолар, шунингдек минтақанинг геосиёсий роли ҳақида батафсил тизимли таҳлил қилинган. Минтақанинг асосий муаммолари транспорт инфратузилмасида юқори эскириш ва паст ўтказиш қобилияти мавжудлиги, логистика тизимининг ташкилий ва ташиш жараёнининг технологик номукамаллиги, минтақа давлатларининг 1924 ва 1991йилларда миллий чегараланиши ортидан келиб чиққан муаммолар (Йўл инфратузилмасининг ўзгариши, чегарадаги кутиш вақтлари ва бошқалар), Хитой ва Европа Иттифоқи ва Россия каби минтақавий давлатларнинг Марказий Осиёга бўлган қизиқишлари, сиёсатлари ортидан шаклланаётган муаммолар ҳисобланади. Шу билан бирга, минтақанинг транспорт салоҳиятини оширишда барча транспорт турларининг яқка бир тизим асосида келишилган мультимодал ва интермодал логистик марказларнинг ишини тўғри ташкил этиш керак. Бугунги кунда Марказий Осиё транспорт тизими Европа, МДХ ва шарқ мамлакатлари транспорт тизими билан интеграцияланиш даражаси секин кетмоқда.

Марказий Осиё давлатлари логистика тизимидаги асосий етишмовчилик техник бошқарув жиҳати бўлиб, улар транспорт воситаларининг чегара пунктларида узоқ вақт туриб қолиши, чегараларни кесиб ўтишдаги назорат турлари бир қонунга асосланган тартибда бўлмаслиги, транзит ташувларни амалга оширувчи транспорт воситаларини йўлларда тўхтатилиши ва текширув ўтказилиши, автотранспорт воситаларидан олинандиган тўловларнинг тартибга олиниш даражаси пастлиги, автомобил транспортида халқаро ташувларни амалга оширишда икки томонлама шартнома амалга оширишдаги камчиликлардир.

Логистика занжирини самарали қуриш, аммо янги хизмат турларини ривожлантирмаслик; миқдорнинг нафақат ташқи, балки ички логистикасини ҳам амалга ошириб, истеъмолчига [13]. 3PL етказиб бериш ва манзилли сақлашдан буюртмаларни бошқариш ва товарлар ҳаракатини кузатишгача бўлган бир қатор логистика хизматларини тақдим этади. 3PL провайдерининг вазифаларига транспортни ташкил

етиш ва бошқариш, инвентаризацияни ҳисобга олиш ва бошқариш, импорт-экспорт-транзит ҳужжатларини тайёрлаш, омборларни сақлаш, юкларни қайта ишлаш, охириги фойдаланувчига етказиб бериш киради. Халқаро амалиёт шуни кўрсатадики, 3PL хизматларидан фойдаланиш мижозларнинг ўзаро таъсирига ижобий таъсир кўрсатди ва 3PL операторига мурожаат қилиш бизнес жараёнларининг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатди. Логистика хизматларини кўрсатиш нисбатан ёш бизнес тури ҳисобланади. 1970-1980-йилларда компаниялар томонидан логистика эҳтиёжларини мустақил таъминлаш сифатида туғилган, ҳозирги кунга келиб ушбу хизмат тури логистикани тўлиқ аутсорсингга ўтди. Бундай шароитда мижозларга йўналтирилган 3PL ҳали ҳам ҳашаматли товарларни чекланган истеъмолчилар доирасига ўзларининг ноёб сўровлари билан сотишга ўхшайди. Ушбу амалиёт Шимолий Америка бозорида қабул қилинганидан сезиларли даражада фарқ қилади, бу ерда дунёдаги энг йирик 3PL ўйинчилари ишлайди ва 3PL хизматларини ривожлантириш аллақачон яқунланган ва бу бозор ҳозирги ҳолатида қуйидагилар билан тавсифланади.

Қаттиқ ва шаффоф халқаро нарх рақобати шароитида ғарбий бозорда 3PL провайдерини танлашнинг асосий мезонлари тариф ставкаси ва жарима миқдори ҳисобланади [14]. Ушбу турдаги логистика операторига мурожаат қилганда, мижоз ҳар томонлама хизмат кўрсатишни, доимий ўзгарувчан аτροφ-муҳит шароитларига мослашишга ёрдам беришни кутиши мумкин, бу уларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун қўшимча омил ҳисобланади. Бироқ, 3PL авлод провайдери юк ташишни бошқариш муаммоларини ҳал қилмайди: бу функция ҳали ҳам юк эгаси томонидан амалга оширилади. Шунинг учун логистика хизматлари бозорида 4PL-провайдерининг пайдо бўлишини табиий ва башорат қилинадиган деб аташ мумкин. 4PL атамаси биринчи марта 1996 йилда Andersen Consulting консалтинг фирмаси томонидан рўйхатга олинган, ҳозирда Accenture, қуйидаги талқин билан: “тўртинчи даражали логистика провайдери-бу ўз ташкилотининг ресурслари, имкониятлари ва технологиясини бошқа логистика корхонасининг ресурслари, имкониятлари ва технологияси билан бирлаштирган таъминот занжири менежери ва уни бошқаради мижозларга таъминот занжиридаги муаммоларни энг тўлиқ ечимини таклиф қилиш учун” [14]. Шуни таъкидлаш керакки, 4PL провайдерлари ёки 4-даражали провайдерлар, албатта, ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ.

Бундай компаниялар халқаро бозорда пайдо бўлиши учун улар талабга эга бўлиши керак. Қоида тариқасида, 4PL провайдерлари катта инфратузилма ва замонавий таъминот занжирини бошқариш тизимларига эга бўлган, юқори технологияли жараёнларни амалга оширадиган ва мураккаб логистика схемаларини амалга оширадиган йирик логистика провайдерларидир.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, компаниялар хизматларидан одатда Intel ва General Motors каби йирик корпорациялар фойдаланадилар. rs. 5PL Internet орқали фаолият 4PL провайдерни англатади. Бу йўналиш юқорида келтирилган энг ёш йўналиш бўлиб, бу унинг янада ривожланишини назарда тутати ва ҳали ҳам кам талабга эга ҳисобланади [15].

Товар юкланганидан кейин сотувчи қўшимча харажатларни ўз зиммасига олмайди; “Д” — сотувчи барча харажатларни ўз зиммасига оладиган ва товарлар белгиланган мамлакатга етказилгунга қадар барча хавфларни ўз зиммасига оладиган

барча ҳолатлар[16]. Мавжуд ахборот таъминоти тузилмаси транспорт компаниялари ва мижозларнинг темир йўл маъмуриятлари инфратузилмаси билан ўзаро муносабатларининг дастлабки босқичини амалга ошириши мумкин.

Бизнес бўлинмаларини автоматлаштириш самарадорлигини ошириш ва бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича ИТ-ечимларни ошириш учун, биринчи навбатда, бўлинмалар фаолиятини расмийлаштириш керак. [17].

Логистика провайдерларини таснифлашнинг яна бир варианты логистика компанияларини ҳақиқий логистика активларига эгалик қилиш ёки эгалик қилмаслик фактига кўра таснифлашдир. Барча логистика компанияларини иккита асосий тоифага бўлиш мумкин: ҳақиқий жисмоний активларга эга компаниялар ва ўз фаолиятида аутсорсингдан фойдаланадиган компаниялар. Аутсорсинг хизматларидан фойдаланадиган халқаро логистика марказлари жисмоний тарқатиш соҳасида хизматларнинг тўлиқ ёки бир қисмини кўрсатадиган бошқа шунга ўхшаш компаниялар билан шартномалар тузади. Ахборот хизмати компаниялари — бу корхоналарнинг логистика тизимини оптималлаштиришда воситачи бўлган ва бошқа активларга эга бўлган фирмалар билан шартнома асосида ўзаро алоқада бўлган жисмоний активларга эга бўлмаган компаниялар тури. Бозор сегментацияси мезони “логистика активлари” учинчи вариантни истисно қилмайди: шахсий логистика имкониятлари ва аутсорсинг. Шу билан бирга, логистика хизматлари бозоридаги компанияларнинг иш шароитларига қараб, барча логистика қувватлари ҳар доим ҳам сегментация учун ишлатилмайди[18].

Ғарбий бозор тажрибасига мурожаат қилган ҳолда, 3PL провайдерлари билан ўзаро алоқада пайдо бўладиган ёки бундай ўзаро таъсирни тўхтатувчи асосий муаммоларни қайд этиш мумкин. Улардан биринчиси, СЛАда белгиланган шартларнинг бажарилмаслиги ва кутилаётган харажатларни оптималлаштиришнинг йўқлиги. 4PL логистикаси — бу 3PL ёки учинчи томон логистикаси концепциясининг кейинги ривожланиши. 4PL методологиясида таъминот занжири мижоз фирма ва логистика оператори ўртасидаги қўшма корхона бўлиб, у 3PL методологияси бўйича ишлайди. 4PL провайдери мижоз ва кўплаб 3PL компаниялари ўртасидаги ягона алоқа вазифасини бажаради. Мижознинг таъминот занжирининг барчаси ёки кўп қисми 4PL оператори назорати остида жойлашган. 4PL фирмаси ўз ресурсларини субпудратчилар ресурслари билан бирлаштирган таъминот занжири интеграторидир. 4PL фирмалари 3 PL фирмаси ва бизнес-жараён фирмаларининг имкониятларини шундай боғлайдики, таъминот занжири ечимлари алоқаларни бошқариш, бошқарув ва ахборот технологиялари хизматларининг марказлаштирилган тизими орқали мижозга элтиб беради[14].

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Azamat Zokhidov “The trans-afghan transport corridor: state interests and development prospects” Central Asia and the Caucasus. Volume 13 Issue 2 2012. 74-83
2. Azamat Zokhidov “Alternative Transportation Corridors in Central Asia: Factors, Interdependence, and Integration Problems” Central Asia and Caucasus Volume 15 Issue 1 2014.
3. А.А. Зоҳидов, М.М. Хамроев, “Мамлакат транзит салоҳиятини оширишда электрон транспорт хизматларидан фойдаланиш истиқболлари” Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2016 йил

4. Зоҳидов Азаматжон Аъзамович “Марказий Осиё транспорт тизимини самарали бошқариш механизминини такомиллаштириш” мавзусидаги иқтисодий фанлари доктори (DSc) диссертацияси Тошкент шаҳри – 2018 йил
5. Азаматжон Зоҳидов “Особенности координации Центрально-Азиатской транспортной системы: инициативы и решения” Транспорт Шёлкового Пути
6. Выпуск 2, 2020, 23-25 с
7. И.ф.д. проф. Егоров Владимир Георгиевич “О влиянии транспортных проектов на геополитическое положение страны (транспорт лойиҳаларининг мамлакатнинг геосийосий позитсиясига таъсири ҳақида). Илмий мақола. Геополитика и энергетическая безопасность. 32-43 б. 2019 й. <https://cyberleninka.ru/>
8. Гамзе Гунгармус Кона “Social, political and economic problems Central Asian Republics face and the rule of Central Asian Region”. Problems of the Central Asian Republics. Foundation For Middle and Baklan Research (Obiv)-Eurasian Studies, pp.175-215, qnnual 2006-6, Istanbul (2006)
9. Даисукэ Китаденинг “Central asia undergoing a remarkable transformation: belt and road initiative and intra regional cooperation”. Mitsui & Co. Global Strategic Studies Institute Monthly Report August 2019
10. Imane Essaadi, Bernard Grabot, Per Fenies “Location of logistics hubs at national and subnational level with consideration of the structure of the location choice”. HAL Id: hal-02359910 <https://hal.science/hal-02359910> Submitted on 12 Nov 2019
11. Дунаева Наталья Олеговна. “Управление модернизацией транспортной инфраструктуры региона для реализации транзитного потенциала”. и.ф.н диссертация. Москва – 2009
12. Бирюков Павел Эдуардович «Международные транспортные коридоры в условиях формирования нового мироустройства». и.т.н. диссертация. 181 б. 2021 й
13. П.Х. Азимов, Д.И. Наджмиддинов “Развитие региональной транспортно-логистической системы стран центральной Азии в условиях глобализации мировой экономики”. Научно-технические ведомости СПбГПУ. Экономические науки. Том 12, № 6, 85-92 б. 2019
14. Ботнарюк, М. В. Партнерские взаимоотношения – императив ведения логистического бизнеса [Текст] / М. В. Ботнарюк // Общество: политика, экономика, право. – 2011. – № 1. – С. 53-57
15. Титюхин Н. В чем различие между 1, 2, 3, 4 и 5PL-провайдерами [Текст] / Н. Титюхин // Транспортная логистика. – 2007. – №10
16. Лёвин, С. Б. Сущность технологических терминов 3PL и 4PL и принципы функционирования предприятий на их базе [Текст] / С. Б. Лёвин // Транспорт: наука, техника, управление. – 2015. – № 7. – С. 50-53.
17. Холопов, К. В. Организация, новые формы и методы экспорта транспортных услуг в условиях перехода России к рыночным отношениям [Текст] : дис. ... д-ра эконом. наук / К. В. Холопов. – М.: МГТУГА, 1995. – 262 с. Также можно добавить ссылку на труды отечественных учёных
18. Хмелкова Н. V. рақобатдан биргаликда рақобатга: рақобатбардош ҳамкорликнинг янги мантиғи [ матн ] /Н. V. Хмелкова / / иқтисодий назария журнали. - Но. 1. - 2010. - п. 18.
19. Резер, С. М. Контейнеризация грузовых перевозок [Текст] / С. М. Резер. – М.: ВИНТИ РАН, 2012. – 678 с. Илл.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 8 (3)-2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).